

ЗАМОНАВИЙ ДИПЛОМАТИК ХИЗМАТЛАРНИНГ ТАЖРИБАСИ

Мирзаев Хуршед Тошқулович

Мудофаа вазирлиги ҳарбий хизматчиси, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия
университети Халқаро муносабатлар факультетининг
Амалий сиёсатшунослик йўналиши магистранти

Аннотация: Ушбу мақолада етакчи дипломатик хизматларнинг тажрибаси, уларнинг ўзига хос хусусиятлари, дипломатларни тайёрлаш босқичлари, ташқи сиёсий муносабатларни олиб бориш усуллари ва замонавий технологиялардан фойдаланиш истиқболлари ўрганилган.

Калит сўзлар: Бипломатия, замонавий дипломатия, космик дипломатия, космик ҳамкорлик, ташқи сиёсат, ҳалқаро муносабатлар, глобаллашув.

Аннотацияж В данной статье рассматривается опыт ведущих дипломатических служб, их характеристики, этапы подготовки дипломатов, способы ведения внешнеполитических связей, а также перспективы использования современных технологий.

Ключевые слова: Бипломатия, современная дипломатия, космическая дипломатия, космическое сотрудничество, внешняя политика, международные отношения, глобализация.

Abstract: This article examines the experience of prominent diplomatic missions, encompassing their characteristics, stages of diplomat preparation, methods of conducting foreign policy relations, and the prospects for leveraging contemporary technologies.

Key words: Diplomacy, modern diplomacy, space diplomacy, space cooperation, foreign policy, international relations, globalization.

Ҳозирги кунда давом этаётган глобаллашув шароитида, дипломатик хизматлар фаолияти кенгайиб, замонавий босқичларни камраб олмоқда.

Хусусан, дипломатик муносабатларни йўлга қўйишида замонавий услублар ва илғор технологиялардан фойдаланиш ҳолатлари кузатилмоқда.

Ўзбекистон Республикасида дипломатик хизматларни ривожлантириш, ушбу соҳа вакиллари билим қўнималарини ошириш ва ташқи сиёсий муносабатларни самарали олиб бориш учун замонавий дипломатик хизматлар тажрибасини ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Бу борада дунёдаги етакчи дипломатик хизматлар фаолияти, уларнинг кадрларни тайёрлаш усули, амалга оширилган муваффақиятли миссиялари ҳамда иш юритиш методларини таҳлил қилиш ҳамда айrim жиҳатларини мамлакатимиз дипломатиясида татбиқ этиш долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

Шу боис, етакчи давлатлардан ҳисобланган Франция ва АҚШ дипломатик хизматлари тажрибасини ўрганиш ва таҳлил қилишни мақсад қилдик.

Бугунги кунда Франция дипломатик хизматлари ривожланишида ва жаҳон сиёсатининг ўзгарувчан шароитларига мослашишда давом этмоқда. Француз дипломатияси мамлакат манбаатларини химоя қилишда мухим рол ўйнайди, ҳалқаро музокараларда фаол қатнашади ва глобал муаммоларни ҳал қилишда иштирок этади [1].

Quai d'Orsay номи билан ҳам танилган Франция ташқи ишлар хизмати дунёдаги энг қадимги ва энг нуфузли дипломатик хизматлардан биридир. Француз дипломатик хизматлари тузилиши жиҳатидан бир нечта асосий элементларни ўз ичига олади:

Ташқи ишлар вазирлиги. Франция Ташқи ишлар вазирлиги дипломатик хизматнинг асосий бошқарув органи ҳисобланади. У Франция ташқи сиёсатини ишлаб чиқиш ва

амалга ошириш, шунингдек, Франциянинг хориждаги дипломатик ваколатхоналари фаолиятини мувофиқлаштириш учун жавоб беради.

Дипломатик миссиялар. Франциянинг дипломатик ваколатхоналари дунёнинг турли мамлакатларида жойлашган бўлиб, халқаро майдонда Франция манфаатларини ҳимоя қилади ва фаол ташқи сиёсий ҳаракатларни амалга оширади. Улар дипломатик фаолиятни, жумладан, музокаралар олиб бориш, шартномалар имзолаш, чет элда Франция фуқароларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда бошқа тадбирларни амалга оширади.

Консуллик хизматлари. Франция консуллик хизматлари консуллик ёрдамини кўрсатади ва Франция фуқароларининг чет элдаги ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилади. Улар турли хил консуллик хизматларини кўрсатадилар, масалан, виза бериш, фуқароликни рўйхатдан ўтказиш, шошилинч ёрдам ва бошқалар.

Дипломатик Академия. Франция Дипломатик Академияси бўлажак дипломатларни тайёрлайдиган таълим муассасасидир. У турли хил ўқув дастурларини, жумладан, халқаро муносабатлар, дипломатия, турли мамлакатлар тиллари ва маданиятлари бўйича курсларни ташкил этади ва малакали кадрларни тайёрлашда муҳим рол ўйнайди [2].

Францияда дипломатларни қабул қилиш ва тайёрлаш жараёни: Францияда дипломатларни қабул қилиш ва тайёрлаш жараёни узоқ давом этувчи ва рақобатбардошлиги билан ажralib туради. Мазкур жараён энг муносаб номзодларни танлаш ва уларга дипломатик хизматда ишлаш учун зарур билим ҳамда кўникмаларни эгаллаш имконини берувчи бир неча босқичларни ўз ичига олади.

1-босқич: Кириш имтиҳонлари: Ишга қабул қилиш жараёнининг биринчи босқичи кириш имтиҳони ҳисбланади. Номзодлар халқаро муносабатлар билан боғлиқ турли соҳаларда билим ва қобилиятларини намойиш қилиш учун бир нечта тест ва сухбатлардан ўтишлари керак. Бу имтиҳонларга тарих, сиёsat, иқтисод, ҳуқуқ ва тиллар бўйича билимлар синовдан ўтказилади.

2-босқич: Миллий бошқарув мактабида ўқиши: Кириш имтиҳонларини муваффақиятли топширган номзодлар Миллий бошқарув мактабида ўқитилади. Икки йил давомида улар халқаро муносабатларнинг турли жиҳатларини, жумладан, дипломатия, халқаро ҳуқуқ, иқтисод ва сиёсий ўйналишларни ўрганадилар. Шунингдек, улар амалий машғулотлар, Франциянинг хориждаги элчихоналари ва консулликларида амалиёт ўтадилар.

3-босқич: Дипломатик хизматларда амалиётдан ўтказиш: Миллий бошқарув мактабини битиргандан сўнг, битиравчилар дипломатик хизматларда амалиёт ўтишади. Улар амалий малакаларини ошириш ва билимларини реал вазиятларда қўллаш учун турли бўлим ва миссияларда ишлайдилар. Амалиёт давомида улар элчихоналар, консулликлар, халқаро ташкилотлар ёки Франция ташқи ишлар вазирлигидаги турли лавозимларга тайинланиши мумкин.

4-босқич: Касбий ривожланиш: Амалиётни тамомлагандан сўнг дипломатлар дипломатик хизматларда ўз касбий билимларини ошириш ишларини давом эттиради. Улар Франциянинг хориждаги элчихоналари ва консулликларида, Франция Ташқи ишлар вазирлигига турли лавозимларга тайинланиши мумкин. Шунингдек, дипломатлар халқаро музокаралар ва конференцияларда иштирок этишлари, Францияни халқаро майдонда намоён этишлари ва турли дипломатик миссияларни бажаришлари назарда тутилади.

Умуман олганда, Францияда дипломатларни қабул қилиш ва ўқитиш жараёни юқори даражадаги билим ва қобилиятни талаб қилиб, номзодларга ўз малакаларини хорижий хизматда ривожлантириш ҳамда қўллаш имкониятини беради.

Франция дипломатик хизматларининг халқаро муносабатлардаги ўрни: Француз дипломатик хизматлари халқаро муносабатларда мухим ўрин тутади, халқаро майдонда Франция манфаатларини ҳимоя қиласди ва турли дипломатик ваколатхоналарда фаол иш юритади. Франция дипломатик хизматлари томонидан амалга ошириладиган асосий функциялар ва вазифалардан айримлари ҳақида тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ.

Франция манфаатларини ифодалайди: Франция дипломатик хизматларининг асосий вазифаларидан бири халқаро майдонда мамлакат манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат. Француз дипломатлари чет элдаги элчихоналар ва консулликлардаги фаолияти жараёнида ўз давлатлари ташки сиёсий қарашларидан келиб чиқкан холда иш юритади, бошқа давлатлар билан муносабатларда Франция халқи манфаатларини ҳимоя қиласди.

Халқаро музокаралар ва конференцияларда иштирок этиши: Франциялик дипломатлар халқаро музокаралар ва конференцияларда фаол иштирок этиб, умумбашарий муаммолар ва низоларни ҳал қилишга катта ҳисса қўшиб келмоқда. Шунингдек, дипломатик хизматлар турли мамлакатлар ва ташкилотлар ўртасидаги музокараларда воситачи ва ёрдамчи бўлишлари мумкин.

Франция фуқароларининг ҳуқук ва манфаатларини ҳимоя қилиш: Франция дипломатик хизматлари чет элдаги француз фуқароларининг ҳуқук ва манфаатларини ҳам ҳимоя қиласди. Улар консуллик хизматларини кўрсатадилар, фуқароларга муаммолар ёки инқирозлар юз берганда ёрдам берадилар, маҳаллий ҳокимият ҳамда ташкилотлар олдида уларнинг манфаатларини ҳимоя қиласдилар.

Халқаро алоқаларни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш: Франция дипломатик хизматлари ҳам халқаро муносабатларни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашда мухим ўрин тутади. Улар бошқа давлатлар, ташкилотлар ва халқаро институтлар билан дипломатик алоқалар ўрнатиб, уларни қўллаб-қувватлайди, сиёsat, иқтисодиёт, маданият ва фан каби турли соҳаларда ҳамкорликни ривожлантиради.

Француз маданияти ва тилини тарғиб қилиш: Француз дипломатик хизматлари мамлакат ташқарисида шахсларни француз маданияти ва тили билан таништириши, Франция ҳамда бошқа мамлакатлар ўртасидаги маданий алмашинувни ривожлантириш мақсадида маданий тадбирлар, кўргазмалар, концертлар ва бошқа тадбирларни ташкил этади.

Франция дунёдаги етакчи давлатлардан бири бўлиб, қуидаги муваффакиятли дипломатик ташаббусларни амалга оширганлиги билан машҳурдир.

Хусусан, 1968 йилда ядро қуроли тарқалишининг олдини олишга қаратилган шартнома имзоланади. Франция ушбу шартномани имзоланишида фаол қатнашган, ядро арсеналлари хавфсизлигини таъминлаш чораларини кўришда фаол ташабbus кўrsatgan.

Франция 2015 йилда қабул қилинган иқлим бўйича Париж келишувига эришишда мухим рол ўйнаган. Ушбу шартнома Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо давлатлар томонидан имзоланган ва иқлим ўзгаришига қарши курашишга қаратилган.

Шу билан бирга Франция бутун дунё бўйлаб тинчликпарварлик амалиётларида фаол иштирок этмоқда. У тинчлик жараёнини қўллаб-қувватлаш, хавфсизликни таъминлаш ва жабрланганларга ёрдам бериш учун ҳарбий ва фуқаролик эксперталарини можаро ҳудудларига юбормоқда. Масалан, Франция Ливан, Марказий Африка Республикаси ва бошқа мамлакатларда тинчликпарварлик амалиётларида қатнашган.

Америка Кўшма Штатлари ташки хизмати Кўшма Штатлар Давлат Департаменти ҳомийлигига ушбу давлат федерал ҳукуматининг дипломатик хизмати томонидан фойдаланиладиган асосий кадрлар тизимиdir. У АҚШ нинг ташки сиёsatини олиб

борувчи ва хориждаги Америка фуқароларига ёрдам берувчи 13 000 дан ортиқ мутахассислардан иборат [3].

1924-йилда Рожерс қонуни билан тузилган Ташқи ишлар хизмати АҚШ хукуматининг барча консуллик ва дипломатик хизматларини битта маъмурий бирлиқда бирлаштирган. Бўлим вазифасидан ташқари, Рожерс қонуни Америка Кўшма Штатлари Давлат котибига чет элда дипломатларни тайинлаш ваколатига эга бўлган кадрлар тизимини белгилаб берган [4].

АҚШда дипломатларни ишга олиш жараёни: Ташқи хизмат аъзолари бир қатор ёзма ва оғзаки имтиҳонлар орқали танланади. Улар бутун дунё бўйлаб Кўшма Штатларнинг 265 дан ортиқ дипломатик ваколатхоналари, элчихоналар, консулликлар ва бошқа муассасаларда хизмат ўтайди.

Дипломатлар Ташқи ишлар вазирлигининг тўртта агентлигида фаолият олиб боради (Давлат департаменти, Қишлоқ хўжалиги бошқармаси, Савдо вазирлиги, АҚШ Халқаро тараққиёт агентлиги).

Америка дипломатик хизматларини сенатнинг маслаҳати ва розилиги билан АҚШ Президенти тайинлайдиган бош директор бошқаради. Бош директор анъанавий равища ҳозирги ёки сабиқ ташқи ишлар ходими ҳисобланади. АҚШ Конгреси 1946 йилдаги ташқи ишлар тўғрисидаги қонун билан Ташқи ишлар хизмати бош директори лавозимини яратган.

Давлат департаменти АҚШнинг етакчи ташқи ишлар агентлиги ҳисобланади. У Президентнинг ташқи сиёсатини шакллантириш, ифодалаш ва амалга ошириш орқали эркин, хавфсиз ва фаровон жамиятни шакллантиришда АҚШнинг мақсад ва манфаатларини илгари суради. Давлат котиби, вазирлар маҳкамасининг аъзоси, президентнинг ташқи сиёсат бўйича бош маслаҳатчиси ҳамда Американинг хориждаги ваколатхонаси учун асосий масъул шахс ҳисобланади. Бир нечта тегишли ташқи ишлар идоралари – Қуролларни назорат қилиш ва қуролсизлантириш агентлиги, Халқаро тараққиёт агентлиги ва АҚШ ахборот агентлиги - ташқи сиёсат масаласида котибнинг умумий раҳбарлиги остида фаолият олиб боради.

Шу билан бирга АҚШ хукумати ўз дипломатик хизматларини такомиллаштириш учун замонавий технологиялар ва инновацион усуллардан фойдаланишини режалаштироқда.

Хусусан, мазкур давлат томонидан “космик дипломатия” стратегияси ишлаб чиқилган бўлиб, у “рақобатчилар” нинг юмшоқ куч ўйинларига қарши туришга йўналтирилган.

2023 йил 13 январда Вашингтондаги НАСА штаб-квартирасида АҚШ давлат котиби Энтони Блинкен АҚШ – Япония космик ҳамкорлик бўйича битимини имзолашдан олдин сўзга чиқиб, давлат департаменти АҚШнинг космосдаги етакчилигини сақлаб қолиш учун дипломатик воситалардан фойдаланиш бўйича биринчи турдаги стратегияни [5] эълон қилганлигини таъкидлаган.

Стратегия ривожланаётган космик давлатларни АҚШнинг “стратегик рақобатчилари”, айниқса Хитойдан узоқлаштиришга қаратилган саъй-харакатларни ўз ичига олган.

Стратегия учта “устун”га бўлинган:

- ❖ “Келажак авлодлар манфаати учун” глобал космик сиёсатни шакллантириш мақсадида дипломатиядан фойдаланиш;
- ❖ АҚШ ташқи сиёсати мақсадларига эришиш учун космик ҳамкорликдан фойдаланиш;

❖ Давлат департаменти ишчи кучини қўллаб қувватлаш ва кучайтириш.

Ҳар бир устун бир қатор мақсадларни белгилайди. Хусусан, тижорат космик саноати билан ҳамкорлик қилиш зарурати атрофидаги мавзуларни ўз ичига олади, дипломатиядан АҚШ тижорат саноатини илгари суриш учун қандай фойдаланиш бўйича мақсадларни белгилаш, масалан, бозор имкониятларини осонлаштириш ва бошқа мамлакатларни АҚШнинг меъёрий хужжатларини қабул қилишга ундаш.

Шунингдек, ушбу ҳужжат космик тизимларнинг киберхавфсизлигини ошириш учун саноат соҳаси билан ҳамкорлик қилиш зарурлигини кўриб чиқади.

Янги стратегия асосан АҚШнинг амалдаги космик сиёсатининг бир қисми бўлса-да, ҳужжатнинг эълон қилиниши дипломатия ва бошқарувга алоҳида эътибор қаратилишидан далолат беради. Дипломатия ва бошқарувнинг бу юксалиши жуда муҳим ҳисобланади.

Стратегиянинг “қийинчиликлар” бўлимида АҚШ рақобатчиларининг космосдаги хавфсизлигига путур етказиш учун ўз кучларини ташкиллаштирумокда, тайёрламоқда ва жиҳозламоқда дейилади. Бундан ташқари, у Хитойнинг бутун дунё бўйлаб Американинг ҳарбий, сиёсий ва иқтисодий таъсирини пасайтиришга қаратилган саъй-харакатларини олдини олишни мақсад қилинган. Стратегия Хитойнинг АҚШ учун космосдаги асосий иқтисодий рақобатчиси эканлигини аниқ кўрсатиб турибди. Ҳужжатда Хитойнинг космик фаолияти унинг глобал мавқеини ошириш ва АҚШнинг ҳарбий, технологик, иқтисодий ҳамда дипломатик соҳалардаги таъсирини йўқ қилишга қаратилган ҳаракатларни кучайтираётганлиги таъкидланган.

Ўз навбатида, стратегияда Қўшма Штатлар хавфли космик қолдиқларнинг пайдо бўлишини олдини олиш, хавфсиз космик операциялар бўйича илгор тажрибаларни қўллаш ва можаролар хавфини камайтириш борасида ҳатто “стратегик рақобатчилар” билан ҳамкорлик қилишга интилиши белгилаб ўтилган [6].

Хуносатариқасида айтиб ўтиш жоизки, етакчи замонавий дипломатик хизматларга эга бўлган Франция халқаро муносабатларни мустаҳкамлаш, тинчлик ва хавфсизликни сақлаш, дунёда ўз манфаатлари ва қадриятларини илгари суришда давом этмоқда. Мазкур давлатнинг дипломатик кадрларни саралаш, тайёрлаш жараёни олиб борилаётган самарали ташқи сиёсий муносабатлари Франциянинг ривожланишига катта ҳисса қўшмоқда.

Ўз навбатида таъкидлаш лозимки, дунёда дипломатик хизматлар борасида етакчилардан бири бўлган АҚШ давлат департаменти ушбу давлатнинг иқтисодий, ҳарбий-сиёсий ва бошқа соҳаларда лидерлигини таъминлаш учун ўз фаолиятини кенгайтирумокда. Бу борада энг илгор ҳамда замонавий технологиялардан фойдаланиш, дипломатия соҳасида ҳам ерда ва ҳам самода устунликка эриши мақсадида “Космик дипломатия стратегияси”ни ишлаб чиқилган бўлиб ҳозирги кунда уни амалиётга татбиқ этиш ишлари жадал давом эттирилмоқда.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Шакиров О., Соловьев Д. Реформы дипломатических ведомств на фоне новых внешнеполитических вызовов. – Москва, 2020 г.
2. И.В. Бабенко. Теория дипломатии и современная дипломатическая система. – Курск, 2021 г.
3. Антипова Е.С. Проблемы и перспективы реформирования дипломатической службы США в контексте возрастающей роли информационного фактора в международных отношениях (Диссертация на соискание степени магистра по направлению 41.04.05 «Международные отношения»). – Санкт-Петербург, 2017 г.

4. Америка Кўшма Штатлари Ташки хизмати.
https://en.wikipedia.org/wiki/United_States_Foreign_Service.
5. A Strategic Framework for Space Diplomacy, September 9, 2022,
<https://breakingdefense.com/2023/05/us-space-diplomacy-strategy-seeks-to-counter-competitors-soft-power-plays>.
6. A Strategic Framework for Space Diplomacy, September 9, 2022,
<https://breakingdefense.com/2023/05/us-space-diplomacy-strategy-seeks-to-counter-competitors-soft-power-plays>.